

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ ЎЙИНЛАРИНИНГ МАЗМУН ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Собит Сафарович Авезов

Бухороо давлат университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ўйин бола ҳаётининг ажралмас қисмидир. Дидактик ўйинларнинг асосий мақсади ақлий тасаввурни янада бойитиш, хусусан, тасаввурларни ривожлантиришга қаратилади. Мақолада бола шахсини тарбиялашда ўйин мазмуни, роли ва аҳамияти кўрсатилган.

Калит сўзлар: ўйин, дидактик ўйин, урф-одат ўйини, жисмоний ўйин, рухий (психологик ўйин), болалар фольклори ўйинлари, санамалар, топишмоқ, тез айтиш

CONTENT AND FEATURES OF UZBEK CHILDREN'S FOLKLORE GAMES

ABSTRACT

Play is an integral part of a child's life. The main purpose of didactic games is to further enrich the mental imagination, in particular, to develop the imagination. The article shows the content, role and importance of games in the development of the child's personality.

Key word: play, didactic game, custome and traditions, physical, mental game, chald folk-lore pleys, riddle

Бола тарбиясида ўйин жуда зарур омил саналади. У кўнгил эрмаги бўлмай, боланинг жисмоний, ақлий ва рухий ривожланиш манбаидир. Жисмоний ўйин болаларнинг физиологик хусусиятларини ўстиради. Уларнинг юрак ва бошқа организмларининг қон ҳаракатларини меъёрлаштиради. Чунончи, “Яшинмачоқ”, “Зув-зув”, “Оққ теракми, кўк терак?”, “Рўмолча”, “Ўн икки чўпчак” каби ўзбек болалар ўйинлари мавжудки, уларда ҳаракат, чаққонлик ва сезгирлик туйғулари камол топтиради.

Ақлий-тасаввурий ўйинлар болаларнинг онги, тасаввури мушҳадаси ва одоб-ахлоққа хос бўлган қарашлари шаклланишига замин тайёрлайди. Бундай ўйинларнинг кундалик ҳаётларида доимий қўлланишини ҳисобга олиб, уларни икки турга ажратиш мумкин: **1.Дидактик ўйинлар. 2.Урф-одатга асосланган ўйинлар.**

Дидактик ўйинлар бевосита мактабгача таълим муассасасида бирор мавзуга асосланган таълимга оид ўйинлар саналади. Улар ҳар бир машғулотда

уюштирилиши мумкин. Кичик гуруҳларда “Кўғичок нима ейди?”, “Кўғирчокни сайрга олиб чиқамиз”, “Кўғирчокнинг кийимлари”, “Кўғирчокни овқатлантирамиз” каби ҳаракатли ўйинлар орқали болалар нутқига кундалик ҳаётидаги буюмлар, уларнинг номи, шакли, ранги ва турлари ҳақида янги луғат киритиш мқониятлари яратилади.

Ўрта гуруҳларда шу кузатувларни ривожлантириш, предметларни турли хил жиҳатидан бир-бирига таққослай билиш, улардаги фаркли хусусиятларни ажрата олиш, шунингдек, кузатувчанлик ва синчковликка ўргатиш каби аклий-тасаввурий туйғулар ўстирилади. Бунда эса “Кимда қандай буюм?”, (Болалар олдин бирор буюм билан таништирилиб, сўнг кўзлари бойлоғич билан боғланади). “Янги уйга кўчамиз”, “Нима ўзгарди, топ!”, “Бу буюмнинг номини биласанми?” каби дидактик ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Катта гуруҳларда дидактик ўйинларнинг асосий мақсади аклий тасаввурни янада бойитиш, хусусан, математик тасаввурларни ривожлантиришга қаратилади. “Дўконда”, “Олтин сандиқча”, “Тез жавоб бер” каби дидактик ўйинларда буюмларнинг сонини аниқлаш, уларни хизмат вазифасига қараб гуруҳлаш, кийимларни, ҳайвонот ва наботот дунёсига хос бўлган жонивор ва ўсимликларнинг номи, тур ва хусусиятлари ўрганилади. (1,68б.)

Мактабгача тайёрлов гуруҳларида дидактик ўйинлар аклий тасаввурни янада бўйитиш, тафаккур элементларини шакллантириш, зийраклик, синчковлик ва мустақил фикрлашни улғайтиради. Муайян тажрибага эгалик туйғусини тарбиялайди. Диққат, ҳаёл, тасаввур ва хотира, мустақил фикр билдириш каби сифатларни тарбиялайди. Бунда “Денгиз тўлқинламоқда”, “Ҳайвон боласининг номлари”, “Расмда кўрганнинг ҳикоя қил”, “Боғимизда ранг-баранг гуллар”, “Мева ва сабзавотлар”, “Дарахтларнинг номларини биласизми?”, “Биз кутган байрам” каби тадбирлар ана шундай дидактик ўйин таркибига киради. (2,127-б.)

Мактабгача таълим муссасида дидактик ўйин турларига фольклор жанрларидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Булардан топишмоқ, тез айтиш ва болалар фольклорининг айрим намуналари муҳим аҳамият касб этади.

Кичик гуруҳларда икки ёки тўрт мисрадан иборат бўлган топишмоқлар:

Бир парча патир

Оламга татир.

(Ой).

Ёки:

Танга-танга тўни бор,

Миттигина кўзи бор.

Юрса сувлар жимирлар,

Қамишлар ҳам қимирлар. (Балиқ).

Ўрта ва катта гуруҳларда предметларни бир-бирига қиёслаш, ўхшатиш ва уларни фарқлаш билими муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада топишмоқ асосий вазифани бажаради:

Куш эмас, қаноти бор,
Бургутдан зўр ҳайбати бор.

Учса лочин етолмас,
Толмас зўр қаноти бор. (Самолёт).

Мактабга тайёрлов гуруҳларида образлар қиёси, предметларнинг ўхшаш ва фарқларига алоҳида эътибор қаратилади.

Хунари кўп ишласа,
Агар токни тишласа,
Текисланар ҳар гижим,
Чизикли бўлади шим.(Дазмол).

Таълим жараёнида тез айтишларнинг ўрни ҳам алоҳида. Улар товушларни тўғри талаффуз қилишга зргатишда, нутқ суръати ва оҳангида, ритмикаси ва ифодалилигида муҳим аҳамият касб этади:

Қишда кишмиш пишмасмиш
Кишмиш пишса қишмасмиш.

(“С” ва “Ш”, “Қ” ва “К” товушлари талаффузи, уларни фарқлаш учун).

Тош жонсизми, мош тошсизми?
(“Ш” ва “С” товушини фарқлаш учун).(4.117-б.)

Топишмоқлар содда дарак гап тарзида ҳам учрайди: Тўрт лайлак тоққа чикиб лакалакамоқчи бўлибди. Лакалакаламаса ҳам, лакалакаламоқчи бўлибди. (“Л” товуши талаффузини мустаҳкамлаш учун).

Болаларни санашга ўргатишда санамалар жуда қўл келади. Чунончи, бирлик сонларни ўрганишда:

Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти, саккиз,
Тўққиз, ўн... ўн-ўн
Тулкига тўн,
Тулки тўнининг баҳоси
Миллион сўм!

Ўнлик сонларни ўрганишда:

Ўн билан ўн йигирма,
Йигирмата чилдирма.

Ёки:

Ўн, йигирма,
Ўттиз, қирқ,
Эллик, олтмиш

Етмиш, саксон,
Тўксон, юз.

Юзга киргин оппоқ киз!

Урф-одат ўйинлари болаларни эрта ёшлиқдан миллий кадриятларимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш руҳини тарбиялайди. Катталарнинг турли хатти-харакатларига тақлид қилиб, ижтимоий меъёрларни ўзлаштиради. Айниқса, бола оилада, ота-она тарбиясида урф-одат, маросим ва анъаналарни ўзлаштириб, кейинчалик ўйинларида акс эттиради. Ўзбек миллатига хос бўлган дастурхон безатиш, меҳмон кутиш, совға улашиш каби урф-одатлар болаларнинг ўз тмонидан яратилган ўйинларда ўз ифодасини топган. Бу урф-одатнинг болалар шоири Дилмурод Жабборовнинг “Меҳмон-меҳмон” шеърида образли ифодаланганлигини кузатамиз:

Санобарнинг феъли кенг,
Кўли очиқ меҳмондўст.
Меҳмон келса уйига,
У кутади бекаму кўст.
Тунов куни боргандим,
Элтганим мис тароқча,
У тутқазди қайтишда,

Хон атласдан куроқча.(3.42-б.)

Санобар-ёш қизалоқ. У ўз уйида кечаётган воқеалар таъсирида яшайди. Уларнинг хонадонида меҳмон кутиш одати катъий урф-одатга айланган. Шунинг учун ҳам бу урф-одат боланинг ўйин дунёсига айланган. Тароқча келтирган дугонасига “куроқча” -парча бўлса ҳам хонатлас инъом этади. Нима бўлса ҳам меҳмоннинг кўнглини олиш энг олий мақсад саналади.

Руҳий ўйинлар –ижодкорлик ўйинлари ҳисобланади. У боланинг ички психологик табиати ривожини белгилайди. Болаларда диққат, зийраклик, синчковлик, хаёл каби психологик жараённи камол топтириш учун хизмат қилади. Бу жараён машғулот ва машғулотдан ташқари пайтларида, сайрларда кўпроқ тарбиячи-педагог томонидан амалга оширилади. Айниқса “Суюжетли расм” ўйини, “Расмга қараб ҳикоя туз”, “Сўзларни тавсифла” каби дидактик ўйинлар шулар жумласидандир. Унда жанжаллашаётган ака-укалар, автобусда кексаларга жой бермаётган бола катталарга салом бермай ўтаётган қиз, кўчани ифлос қилаётган фарзанд каби салбий характерлар танқид қилинса, ижобий фазилатга эга бўлган ота-онасига меҳрибон фарзанд, кўчат ўтказмаётган бола, ҳовли супураётган қиз, бувисига ёрдамлашаётган неваралар ўз ифодасини топиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўйин болалар ҳаётида кўп қиррали фаолият тури бўлиб унда турли нарсалар ҳақида тасаввур уйғотиш, тафаккур қилиш, хаёл суриш, дам олиш ва хушчакчаклик жараёнларининг барчаси мужассамдир.

REFERENCES

1. Avezov S. НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
2. Avezov S. O'qituvchi nutq madaniyati kompetentligi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 5. – №. 5.
3. Avezov S. “ALPOMISH” DOSTONI-O‘ZBEK XALQI TARIXINING BADIY IFODASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
4. Хамроева Н. Н. Комплимент как одна из форм фатического общения KOMPLEMENT AS ONE OF FATIC COMMUNICATION FORMS //МІЖНАРОДНИЙ НАУКОВИЙ ЖУРНАЛ «ІНТЕРНАУКА. – 2020. – С. 107.
5. Nizomiddinova K. N. Compliment as one of the forms of Phatic Communication //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10. – №. 1.
6. Hamroyeva N. ИЛТИФОТНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
7. Hamroyeva N. ИЛТИФОТ-ФАТИК МУЛОҚОТНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
8. Toirova G., Hamroeva N. THE IMPORTANCE OF LINGUISTIC MODELS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGE BASES //Sciences of Europe. – 2020. – №. 59-2 (59).
9. Хамроева Н. Н., Низомова Ш. Ш. Важные стороны уроков чтения в повышении культуры книгочтения //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
10. Рахмонова Г. Ш. ЗНАЧЕНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В ВОСПИТАНИИ УЧАЩИХСЯ И МЕТОДЫ ЕГО РАЗВИТИЯ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
11. Uraeva, D. S., Sharipova, M. B., Zaripova, R. I., & Nizomova, S. S. (2020). THE EXPRESSION OF THE NATIONAL TRADITIONS AND BELIEFS IN UZBEK PHRASEOLOGICAL UNITS. *Theoretical & Applied Science*, (6), 469-472.
12. Рахимов Ф. Б., Шарипова М. Б. МЕСТО ИННОВАЦИЙ В РЕШЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ ПРОБЛЕМ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //Academy. – 2020. – №. 5 (56).
13. Шарипова М. Б., Садуллоева М. Б. К. ПРОФЕССИЯ «УЧИТЕЛЬ» И ЕЁ РОЛЬ В ОБЩЕСТВЕ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46)

14. Шарипова М. Б., Мустакимова Г. А. Наследие мыслителей в эстетическом воспитании учащихся начальной школы //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 10-5. – С. 48-49.
15. Sharipova M. B., Nizomova S. S. THE ARTISTIC IMAGE OF THE IMAGE OF "WATER" IN THE POEM //УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА. – 2018. – №. 11. – С. 75.
16. Шарипова М. Б., Муродова Ш. Ш. ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРЯДОВ В ЭПОСЕ «АЛПОМИШ» //Научный журнал. – 2020. – №. 9. – С. 32-34.
17. Шарипова М. Б. и др. ПРОФЕССИЯ «УЧИТЕЛЬ» И ЕЁ РОЛЬ В ОБЩЕСТВЕ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1. – С. 24-25.
18. Vaxshilloevna M. S., Shuhratovna M. S. Description and interpretation of wedding customs in the epic "Alpomish" //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 11.
19. Sharipova M. "Alpomish" dostoni-o'zbek xalqi tarixi badiiy ifodasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
20. Sharipova M. O'quvchi yoshlar tarbiyasida o'lmas an'ana va marosimlarning ahamiyati //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
21. Sharipova M. Qahramonlik eposi-milliy madaniyatimizning nodir hazinasi ("Alpomish" dostoni misolida) //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
22. Sharipova M. O'lmas an'ana va marosimlar-ma'naviyatimizning nodir hazinasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
23. Ахмедова М. Ш., Шарипова М. Б. ВОСПИТАНИЕ РЕБЕНКА НА ОСНОВЕ НАРОДНЫХ ТРАДИЦИЙ //Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч. – 2016. – С. 118.
24. Шарипова М. Б., Истамова З. Особенности этического воспитания детей дошкольного возраста //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 39.
25. Шарипова М. Б., Саъдуллаева М. Б. К. РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ ДЕТЕЙ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
26. Шарипова М. Б., Ашурова Ф. А. Межличностные отношения в дошкольном возрасте //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 35.
27. Temirovna O. L., Chorievna R. L. Methodology to organize independent work of students in mathematics lessons in primary school //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 10. – С. 387-393.
28. Ражабова Л. Ч., Очилова Л. Т. Методика использования мультимедийных образовательных технологий и средств в процессе обучения школьников младших классов //Academy. – 2019. – №. 12 (51).